

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОННИНГ  
ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА  
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ-МЕТОДИК МАРКАЗИ, ТАРИХ  
ИНСТИТУТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Tar.01.04 РАҚАМЛИ ФАН ДОКТОРИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**САЙФУЛЛАЕВ ДУРБЕК БАХТИЁРОВИЧ**

**МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ  
ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

УДК:94:323/327  
(584.4)

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Сайфуллаев Дурбек Бахтиёрович**

Мустақиллик даврида Ўзбекистон

дипломатиясининг шаклланиши ва ривожланиши..... 3

**Сайфуллаев Дурбек Бахтиёрович**

Формирование и развитие дипломатии

Узбекистана в период независимости..... 23

**Sayfullaev Durbek Bakhtiyorovich**

Formation and development of Uzbekistan's

diplomacy during Independence period ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 46

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОННИНГ  
ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА  
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ-МЕТОДИК МАРКАЗИ, ТАРИХ  
ИНСТИТУТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Tar.01.04 РАҚАМЛИ ФАН ДОКТОРИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**САЙФУЛЛАЕВ ДУРБЕК БАХТИЁРОВИЧ**

**МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ  
ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tar1. рақами билан рўйхатга олинган**

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://ik-tarix.nuu.uz>) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Жўраев Сайфиддин Ахматович</b> сиёсий фанлар доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Рахимов Мирзохид Акрамович</b> тарих фанлари доктори, профессор
	<b>Қирғизбоев Абдуғаппор Каримжонович</b> тарих фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети</b>

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи методик марказ, Тарих институти, Қорақалпоқ ижтимоий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи 27.06.2017. Таг.01.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория.) Тел.: (99871)227-12-24; факс: (99871)246-53-21, (99871)246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz (Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино).Тел.: (99871)236-46-55, факс: (99871)246-02-04).

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_ - рақамли реестр баённомаси)

**А.А. Маврулов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Х.Э. Юнусова**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

**С.Б. Шадманова**  
Илмий даражалар  
берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дипломатия давлат ташқи сиёсатини амалга оширишнинг ўзига хос муҳим воситаси бўлиб, у орқали мамлакатнинг ташқи сиёсий ва иқтисодий манфаатлари таъминланади ҳамда ҳимоя қилинади. XX аср охири – XXI аср бошига келиб глобаллашув жараёнлари авж олган даврда кўп қутбли тартиботнинг шаклланиши ниҳоятда мураккаб кечмоқда. Бир томондан, инсониятнинг ривожланиш имкониятлари мислсиз равишда ортган бўлса, иккинчи томондан, сиёсий, иқтисодий, молиявий, ғоявий ва бошқа соҳаларда халқаро, минтақалараро зиддиятларнинг кескинлашуви кузатилмоқда. «Бунинг оқибатида тинчлик ва барқарорликка раҳна солаётган, моҳияти ва кўламига кўра трансмиллий хусусиятга эга турли хатти-ҳаракатлар содир этилмоқда»<sup>1</sup>. Бу ҳол дипломатия олдида турган вазифалар ҳажми ва масъулиятининг бекиёс даражада ортиб кетишига шароит яратмоқда.

Ўзбекистон дипломатияси мамлакатимиз тараққиётининг халқаро шарт-шароитларини таъминлашнинг етакчи сиёсий институти сифатида замонавий мезонлар асосида шаклланиб борди ва тадрижий равишда ривожланмоқда. Республикамиз Конституциясида мамлакат ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган бошқа қоида ва нормаларига асосланиши таъкидланган<sup>2</sup>. Ўзбекистон дипломатиясининг минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлаш борасидаги дипломатик саъй-ҳаракатлари дунёнинг нуфузли халқаро ташкилот ва давлатлари томонидан муносиб тарзда эътироф этилди. Шу боис Ўзбекистон дипломатиясининг шаклланиши ва ривожланишини ўрганиш ҳозирги тарих фани олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

XX аср охирларида собиқ Иттифоқ ҳудудида янги мустақил давлатлар пайдо бўлиши билан халқаро муносабатлар тизимида жиддий ижобий ва салбий ўзгаришлар юз берди. Бу эса, ўз навбатида, ушбу давлатларнинг халқаро ҳамжамиятга интеграцияси жараёнида акс этди. Ўзбекистон каби ёш давлатлар дипломатик фаолиятини ташкил этишда, халқаро майдонда ўз миллий манфаатларини ҳимоя қила олишларида муайян қийинчиликларга дуч келишди. Шундан келиб чиққан ҳолда, ана шу тарихий даврни тавсифловчи хусусиятларни таҳлил қилиш, илмий асосланган хулосалар чиқариш долзарб илмий вазифа ҳисобланади.

Ушбу диссертация «Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ходимлари учун дипломатия даража ва мартабаларини белгилаш тўғрисида»ги (1992 йил 3 июль), «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи

---

<sup>1</sup>Ш.М. Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи // <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-vazifasini-bazharuvchisha-18-10-2016>.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2015. – Б. 8.

сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги (2012 йил 10 сентябрь) Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида Ташқи ишлар вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш масалалари тўғрисида»ги (1994 йил 25 февраль), «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017 йил 7 февраль) фармонлари ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси хузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги (2017 йил 30 июнь) қарори, шунингдек соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий-маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши» дастури устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мустақиллик йилларида тарих фани янги замон талабларига мувофиқ такомиллашиб борди. 1990-йилларнинг иккинчи ярмидан тадқиқот майдонига Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўрганиш билан боғлиқ муаммолар кира бошлади. Ушбу даврни тадқиқ этишнинг долзарб муаммолардан бири мамлакат халқаро муносабатларининг тикланиши ва ривожланиши, шу жумладан, миллий дипломатиянинг шаклланиши ва ривожланиши масалаларидир. Шу билан бирга, дипломатия тарихи, Ўзбекистон замонавий дипломатияси ривожининг айрим жиҳатлари ўрганилган бир қатор ишлар тайёрланди.

Тадқиқ этилаётган мавзунинг тарихшунослик бўйича таҳлили борасида шуни таъкидлаш жоизки, охириги чорак аср давомида мураккаб халқаро геосиёсий вазиятда ўзбек дипломатиясининг концептуал асослари, ривожланиш босқичлари, институционал асосларининг шаклланиш жараёни, соҳани кадрлар билан таъминлаш муаммоси етарли ўрганилмади. (Тадқиқотнинг айрим жиҳатларини қамраб олган мавжуд тадқиқотлар диссертациянинг 1.2. параграфида алоҳида кўриб чиқилган).

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институтининг А-1-188. «Хорижий Шарқ ва Ғарб давлатлари ижтимоий-сиёсий ривожланишининг назарий ва амалий жиҳатлари» (2015-2017) мавзусидаги лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мустақиллик даврида Ўзбекистон дипломатиясининг шаклланиш эволюцияси ва ривожланиш тамойилларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўрганилаётган муаммонинг назарий ва концептуал асосларини очиб бериш;

мустақиллик йилларида Ўзбекистон дипломатиясининг шаклланиши ва ривожланиш тарихига бағишланган илмий ишларни ўрганиш ва таҳлил этиш; миллий дипломатиянинг шаклланиш жараёнлари ва ривожланиш омилларини таҳлил этиш;

дипломатик кадрлар тайёрлаш тизимини таълим соҳасида ўтказилган ислохотлар доирасида ўрганиш;

халқаро муносабатларнинг глобаллашуви шароитида Ўзбекистон замонавий дипломатиясининг йўналиш ва вазифаларини аниқлаш;

Марказий Осиёда минтақавий дипломатияни ривожлантириш муаммоларини ҳамда Ўзбекистон дипломатиясининг минтақада ядродан холи маконни шакллантириш, хавфсизлик ва тинчликни таъминлашдаги ролини ёритиш;

ўрганилган масалалар юзасидан тегишли хулосалар чиқариш ҳамда илмий-амалий аҳамият касб этган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** – Ўзбекистон Республикасининг дипломатия соҳасидаги фаолияти.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Ўзбекистон Республикаси дипломатиясининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи, мамлакатнинг халқаро муносабатлар тизимидаги фаолияти ҳамда миллий дипломатиянинг стратегик йўналишлари ва ривожланиш босқичлари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда тарихийлик, тизимлаштириш, қиёсий, муаммовий-хронологик ҳамда фанлараро ёндашув каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

**Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги** қуйидагиларда кўринади:

мустақиллик даврида Ўзбекистон дипломатияси шаклланиши ва ривожланишининг босқичлари, принциплари, назарий-концептуал асослари ва устувор стратегик йўналишлари тарихий жиҳатдан тизимли равишда очиб берилди;

Ўзбекистон Республикаси томонидан мамлакат ташқи сиёсатини фаол амалга оширишда парламент дипломатияси, иқтисодий дипломатия, минтақавий дипломатия каби дипломатик воситалардан самарали фойдаланилганлиги аниқланди;

мамлакатда дипломатик кадрлар тайёрлаш тизимининг шаклланиши ва ривожланиши таълим тизимида ўтказилган ислохотлар билан узвий тарзда кўриб чиқилди ҳамда бу борада мавжуд муаммолар кўрсатиб берилди;

Марказий Осиёда минтақавий муаммоларни тинч йўл билан ҳал этишдаги ташаббуслар, минтақада ядродан холи макон шакллантириш бўйича Ўзбекистоннинг дипломатик ёндашувлари тарихий жиҳатдан аниқланди.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

дипломатиянинг замонавий йўналишларини ривожлантириш, такомиллаштириш бўйича амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган;

дипломатия тарихи ва назариясига оид халқаро муносабатларда тан олинган қарашлардаги Ўзбекистоннинг мустақиллик даври дипломатияси

тарихини тадқиқ этишда ва ўқув жараёнида қўлланилиши мумкин бўлган назарий-методик жиҳатлар аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** унда замонавий тарих фанида эътироф этилган ёндашув ва усулларнинг қўлланилгани, кўп турдаги тарихий адабиётлар ҳамда бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар вакилларининг тадқиқотларидан фойдаланилгани, ташқи сиёсий фаолиятга оид янги принципиал қоидалар ва норматив ҳужжатлар ҳамда жорий архив материаллари каби бирламчи манбаларга асосланилгани, концептуал ва қонуний асосга эга хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани ҳамда тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан боғлиқ.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мустақиллик даври Ўзбекистон дипломатиясини тарихийлик, холислик, тизимлилик принциплари ҳамда фанлараро ёндашувлар, хусусан, тарих ва сиёсатшунослик фанлари методлари асосида ёритилиши мазкур муаммога оид методологик ёндашувлар ва назарий хулосаларни такомиллаштиришга имкон беришида кўринади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти замонавий Ўзбекистон дипломатияси тарихини яратишда, мамлакат ташқи сиёсатига доир таҳлилий маълумотлар тайёрлашда муҳим манба сифатида фойдаланиш мумкинлигидадир.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, икки давлат ўртасида савдо-иқтисодий, маданий, гуманитар ҳамкорликнинг ривожланишида Ўзбекистоннинг ўзига хос инсонпарварлик, тинчликсеварлик дипломатиясининг аҳамияти борасидаги илмий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон» телеканали орқали намойиш этилган «Мунозара» кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган бўлиб (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2017 йил 26 январдаги 04-31/289 сонли далолатномаси), ушбу кўрсатув Ўзбекистоннинг Афғонистонга нисбатан олиб бораётган вазмин, аниқ ва очиқ сиёсатини, ташаббусларини телеклуб аъзолари ва аҳолига тўғри ҳамда холисона етказишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижасида олинган хулоса ва таклифлар 14 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 4 та халқаро ва 10 та республика миқёсидаги конференцияда синовдан ўтказилиб, маъқулланган. Булар қуйидагилар: «Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш муаммолари: Афғонистондаги тинчлик ва барқарорлик» (Тошкент, 2009); «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – жамиятнинг барқарор ривожланиш кафолати: сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари» (Тошкент, 2010); «Ўзбекистон ва халқаро ҳамжамият: интеграциялашувнинг сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари» (Тошкент, 2012); «Марказий Осиё НАТО кўшинлари Афғонистондан олиб чиқилганидан сўнг» (Рим, 2012); «Жаҳон



сиёсатининг долзарб муаммолари» (Тошкент, 2012); «South and Central Asia» (Ҳиндистон, 2013); «XXI асрда жаҳон сиёсатида архитектоник ўзгаришлар: Realpolitik концепцияси ва Ўзбекистон амалиёти» (Тошкент, 2014); «Халқаро муносабатлар ва Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг илмий-назарий масалалари» (Тошкент, 2014); «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг принциплари ва истиқболи» (Тошкент, 2015); «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари тарихий меросида санъат ва маданият масалалари» (Тошкент, 2015); «Актуальные проблемы международных отношений в условиях формирования мультиполярного мира» (Курск, Россия, 2015); «XXI асрда жаҳон сиёсати ва Ўзбекистон тажрибаси: сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатлари» (Тошкент, 2015, 2016, 2017).

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 43 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола (улардан 14 таси республика ва 3 таси чет эл журналларида) эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 156 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган; тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон замонавий дипломатиясини тадқиқ этишнинг назарий асослари ва йўналишлари**» деб номланган биринчи бобида халқаро муносабатлар, ташқи сиёсат ва дипломатия тарихига оид назарий ва концептуал асослар, дипломатия таърифи билан боғлиқ қарашлар, шунингдек, Ўзбекистон дипломатияси тарихини тадқиқ этиш йўналишлари, дипломатияни ўрганишдаги анъанавий ва замонавий ёндашув масалалари таҳлил этилган. Шулар асосида дипломатия тарихини тадқиқ этишнинг методологик ёндашувлари илгари сурилган.

**«Замонавий дипломатияни ўрганишнинг назарий ва концептуал асослари»** деб номланган биринчи параграфда «дипломат», «дипломатия» тушунчаларининг таърифлари, келиб чиқиши ва ҳозирги маъносига оид илмий қоидалар қиёсий таҳлил этилган. Жумладан, диссертацияда таъкидланишича, махсус профессионал фаолиятни ўзида

мужассамлаштирган «дипломатия» тушунчаси камералистика<sup>3</sup> ва давлат бошқарувига оид инглиз тилидаги манбаларда 1645 йил санаси билан тарихга муҳрланган<sup>4</sup>, 1693 йилдан «diplomaticus» Лейбницнинг Халқаро дипломатик ҳуқуқ кодексида суверен мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар масалаларини акс эттирувчи тушунча сифатида халқаро муносабатларга кириб келган, шу даврдан бошлаб халқаро муносабатлардаги ўзгаришлар таъсирида «дипломатия» терминининг маъноси бойиб борган<sup>5</sup>. Ушбу атама ҳозирги маъносида илк бор Людвиг XIVнинг элчиси бўлган француз дипломати Франсуа Кальер томонидан қўлланилган<sup>6</sup>.

Айни вақтда дипломатия давлат ташқи сиёсатини амалга ошириш усулларида бири, ноҳарбий амалий чора-тадбирлар мажмуи ҳисобланади<sup>7</sup>. Дипломатия давлатлар, ҳукуматлар, давлатларнинг ташқи алоқалари идоралари раҳбарларининг расмий фаолияти шаклида ҳамда ташқи сиёсатнинг мақсад ва вазифаларига эришиш, шунингдек ўз давлати ва хориждаги фуқароларининг манфаатларини ҳимоя қилишга шароит яратувчи дипломатлар томонидан бевосита амалга оширилади. Ҳозирги кунда дипломатияга таъриф беришда доимо у ҳукумат ва ноҳукумат институтлари ҳамда зўрлик ишлатилмайдиган халқаро муносабатларни тартибга солувчи муассасаларнинг куч ва воситалари мажмуи эканлиги таъкидланади<sup>8</sup>. Дипломатия сўнги юз йилликда халқаро муносабатлар тизимида бир давлатнинг ҳукмрон мавқени эгаллашга уринишига ҳамда барча давлатлар ўртасида тартибсизлик, бошбошдоқликка йўл қўймаслик мақсадида мувозанатни сақлаб туриш имконини яратди. Дер Дериан таъкидлаганидек, замонавий дипломатия давлатларнинг якуний мақсади бўлмиш адоватли муҳитда ўзини сақлаб қолишнинг жамоавий ва ҳиссий инъикоси сифатида вужудга келган<sup>9</sup>.

Дипломатия феноменини ўрганишга муносиб ҳисса қўшган британиялик назариётчи олим Г. Никольсоннинг қарашлари Оксфорд луғатида ўз ифодасини топган. Унда таъкидланишича, «дипломатия – бу халқаро муносабатларни музокаралар орқали юритиш; музокараларни элчи

<sup>3</sup> Камералистика (нем. kameralistik, франц. caméralistique, лот. camera – ғазна, ташкилот) – Ўрта асрлар (XVI–XVIII)да Европа университетларида ўқитилган маъмурий ва иқтисодий фанларнинг махсус цикли. Камералистика ўз номини йирик хўжаликлар эгалари ҳисобланган ўрта аср Европа князлари, герцоглари ва кироллари томонидан ташкил қилинган камерал ташкилотлардан олган. Камерал фанлар доирасида университетлар ва махсус камерал мактабларда йирик заминдорлар хўжаликларининг иш бошқарувчи амалдорлари тайёрланган // <http://bse.sci-lib.com/article058245.html>

<sup>4</sup> Қаранг: *Нечаева Ю. В.* Происхождение дипломатии // Дипломатический вестник Приднестровья. – 2011. – № 6. – С.45.

<sup>5</sup> Қаранг: *Дурдыева А. А.* Дипломатические структуры и инструменты дипломатии Европейского Союза и государств-членов: соотношение и взаимосвязь. Дис. ... канд. полит. наук. – М., 2017.

<sup>6</sup> Қаранг: *Попов В. И.* Современная дипломатия: теория и практика: Курс лекций. Часть 1: Дипломатия – наука и искусство. – М., 2000. – С.13.

<sup>7</sup> *Абдуллаева Л., Юлдашева Г.* Терминологический толковый словарь по дипломатическому и консульскому праву. – Т., 2005. – С.30.

<sup>8</sup> *Барышников Д. Н., Костюк Р. В., Ткаченко С. Л.* Эффективность дипломатии. – М.–СПб., 2009. – С.13.

<sup>9</sup> *Der Derian J.* On Diplomacy: A Genealogy of Western Estrangement. –Oxford: Blackwell Publishers, 1987. – P. 119.

ва вакиллар томонидан бошқариш усули, дипломатнинг вазифаси ёки санъатидир»<sup>10</sup>.

Халқаро ҳуқуқ соҳасидаги етакчи мутахассислардан бири Ш. Мартенс: «Дипломатия давлатнинг ташқи алоқалари ёки хорижий ишлари тўғрисидаги фан, бирмунча тор маънода эса, музокаралар олиб бориш илми ёки санъатидир», – деб таъкидлаган<sup>11</sup>. Машхур инглиз дипломати Э. Сатоу: «Дипломатия – мустақил давлатлар ҳукуматлари орасида расмий алоқалар олиб бориш учун ақл ва одобни қўллаш, қисқароқ айтганда, тинч воситалар ёрдамида давлатлар ўртасида иш олиб боришдир», деб ҳисоблайди<sup>12</sup>.

Шундай қилиб, диссертацияда дипломатия давлат ташқи сиёсатини амалга оширишнинг мураккаб усули, шунингдек давлатга халқаро ҳуқуқ ва тегишли тартибот асосида халқаро муносабатларда кафолатланган ва тенг иштирок этиш имконини берувчи кўп томонлама механизм эканлиги таъкидланади.

Муаллиф амалга оширган таҳлил дипломатия ташқи сиёсат борасида ишлаб чиқилган усул ва воситалар мавжуд концепция, йўналиш ва мактаблар доирасида олиб борилган тадқиқотлар<sup>13</sup> билан ҳам узвийлигини кўрсатди. Бунда реализм, неореализм, институционализм сингари классик концепциялар билан бир қаторда, неомарксизм, француз социологик мактаби, конструктивизм каби ноклассик назариялар ҳам назарда тутилади<sup>14</sup>. Шу билан бирга, диссертацияда дипломатия ўзида ахборот воситалари, нотиклик санъати, ҳуқуқшуносликка асосланган илмий-таҳлилий ёндашув ва методларни акс эттирган ҳолда ривожланишнинг узок тарихий йўлини босиб ўтганлиги таъкидланади<sup>15</sup>.

Юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиқиб, халқаро муносабатлар назариясининг тадрижий ривожини алоҳида кўриб чиқилган. Хусусан, халқаро муносабатлар қадимдан мавжуд бўлишига қарамай, ушбу ибора нисбатан яқинда пайдо бўлганлиги қайд этилган. Манбаларнинг далолат беришича, ўзаги сиёсий муносабатларни назарда тутувчи «халқаро муносабатлар» тушунчасини илмий ва сиёсий муомалага инглиз файласуфи Ж. Бентам киритган.

Халқаро муносабатларни назарий жиҳатдан ўрганиш Биринчи жаҳон уруши якунланганидан кейин бошланди. Мутахассислар ушбу жараённинг айнан шу даврдан бошланишига Уэльс университетиде халқаро муносабатлар кафедраси очилишини сабаб қилиб кўрсатишади<sup>16</sup>. Халқаро

<sup>10</sup> Oxford Dictionary of English. – Oxford: Oxford University Press, 2003. – P. 136.

<sup>11</sup> История дипломатии, 2-е издание. Т. 1.– М., 1959. – С.36.

<sup>12</sup> Сатоу Э. Руководство по дипломатической практике. – М., 1961. – С. 11.

<sup>13</sup> Бу ҳақда қуйидаги тадқиқотларда батафсил маълумотлар берилган: *Sharp, Paul. For Diplomacy: Representation and the Study of International Relations // International Studies Review. – Vol. 1. – No. 1; Sharp, Paul. Diplomatic Theory of International Relations. Cambridge: Cambridge University Press, 2009; Barry H. Steiner. Diplomacy and international theory // Review of International Studies. Vol. 30. Issue 04. – Oct 2004; Keens-Soper, Maurice. Francoise de Callieres and Diplomatic Theory // The Historical Journal. – Vol. 16. – No. 3. – September 1973. – P. 485–508.*

<sup>14</sup> Қаранг: Основы общей теории международных отношений / Под ред. А.С. Манькина. – М., 2009. – 592с.

<sup>15</sup> Қаранг: *Попов В.И.* Современная дипломатия: теория и практика: Курс лекций. – М., 2000. – 576 с.

<sup>16</sup> *Burchill, Scott and Linklater, Andrew.* Introduction // *Theories of International Relations / Ed. Scott Burchill ... [et al.], p.6. Palgrave, 2005.*

муносабатлар назарияси ривожининг иккинчи тўлқини XX асрнинг 30-йиллари охирига тўғри келди. Бу тўлқиннинг йирик вакиллари сифатида Э. Х. Карр ва Ганс Моргентхауни келтириш мумкин. Икки жаҳон уруши оралиғида вужудга келган ва бир қадар ривож топган халқаро муносабатлар назариясида халқаро сиёсатнинг бош принципи сифатида жамоавий хавфсизлик принципи эътироф этилган.

Халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат эволюциясини таҳлил қилиш муаллифга замонавий халқаро муносабатлар назариясида асосан иккита йўналиш, яъни реализм ва либерализм оммалашгани ҳақида хулоса чиқаришга имкон берди.

Шунингдек, тадқиқотда Ўзбекистон дипломатиясининг тарихий тажрибаси ва замонавий жараёнларини тадқиқ этганда «шарқона дипломатия назарияси» деб аталмиш ҳодисани ҳисобга олиш зарурлиги таъкидланган. Бу қуйидагилар билан боғлиқ: биринчидан, дипломатик муносабатлар фақат Ғарбда ривожланмаган, бинобарин, уларнинг ривожланиш тамойиллари, уларни амалга ошириш назарияси ва методологияси фақат ўша мамлакатлардагина кузатилмайди; иккинчидан, Шарқ давлатлари дипломатияси ўзига хосликларга эга, узоқ вақт давомида Шарқ дипломатияси кучли рақиб билан ишлашига ва ўта эҳтиёткорлик билан, охирини ўйлаб ҳаракат қилишига, баъзан эса шерикдан кўпроқ нарса ундириш учун атайин музокараларни чўзишига тўғри келган. Шу билан бирга, Шарқ мамлакатлари дипломатиясида, мажозий қилиб айтганда, «шарқона бозор руҳи» сезилиб туради.

**«Мустақиллик даврида Ўзбекистон дипломатияси тарихини тадқиқ этиш йўналишлари»** номли иккинчи параграфда бой тарихга ҳамда қадимий давлатчилик анъаналарига эга Ўзбекистон том маънодаги замонавий дипломатияни ўзида мужассамлаштирган фаол ташқи сиёсат ва халқаро муносабатлар тизимига нисбатан кеч, яъни 1990 йиллардан кириб келишига қарамай, тарихан қисқа вақт ичида – мустақилликнинг дастлабки ўн йилликларида – жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйганлиги, халқаро майдонда катта нуфузга эга бўлганлиги, минтақавий ва глобал даражада ўзига хос «ўзбек дипломатия»сини шакллантира олганлиги қайд этилган.

Диссертацияда Марказий Осиё давлатлари, уларнинг тасарруфида бўлган ҳудудларда дипломатиянинг шаклланиши ва ривожланиши, шунингдек, ўзбек дипломатияси тараққиёти масалалари тарихи ижтимоий-гуманитар фанлар вакиллари томонидан ҳозиргача етарли ўрганилмаган бўлса-да, муаммо тарихининг турли даврларини, шу жумладан, замонавий халқаро ҳамкорлик масалаларини ҳар томонлама тадқиқ этиш асосан мустақиллик йилларида бошланганлиги таъкидланади. Муаллиф ўтказилган тадқиқотларни муаммовий-хронологик метод асосида шартли равишда бир неча йўналишга ажратган:

биринчи йўналиш тарихчи олимларнинг ўзбек дипломатияси ва ташқи сиёсатининг ўтмиши ва ҳозирги кунига бағишланган асарларини қамарб олган;

иккинчи йўналишга бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар вакиллари томонидан яратилган ва муаммонинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва психологик жиҳатларини қамраб олган ишлар киради;

учинчи йўналишни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов қаламига мансуб бўлган ва муаммонинг концептуал-назарий ҳамда амалий масалаларини қамраб олган асарлар ташкил этади.

Муаллиф дастлабки йўналишга киритилган асарларни, мавзусининг серқирралиги ва хронологик доирасини инобатга олиб, шартли равишда икки гуруҳга бўлган.

Биринчи гуруҳга кирувчи адабиётлар дипломатия тарихининг қадимги дунёдан совет даврига қадар бўлган даврини қамраб олган<sup>17</sup>. Муаллиф ушбу тадқиқотларда ўтмишда Марказий Осиё давлатлари ҳамда уларнинг тасарруфида бўлган ҳудудларда дипломатиянинг шаклланиши ва ривожланиши тамойиллари асосан тарихий ёндашув асосида ўрганилганлигини аниқлаган.

Шу билан бирга, 2016 йилда Ўзбекистон тарихида илк бор «Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан: талқин ва таҳлил» мавзуида илмий анжуман ўтказилганлиги, шунингдек Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихи, унинг муҳим босқичлари ва тартиб-қоидаларига оид илмий мақолалар ҳамда ўрта асрларда мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган давлатларнинг қўшни мамлакатлар билан олиб борган дипломатик муносабатларига доир тадқиқотлар жамланган шу номдаги тўплам чоп этилганлиги алоҳида қайд этилган. Унда А. Отахўжаев, Г. Агзамова, Ш. Махмудов, Ҳ. Мамадалиев, Д. Дутураева, Н. Полвонов ва бошқа етакчи тарихчи олимларнинг мақолаларида асосий эътибор қадимги даврлардан то XX асрга қадар амалга оширилган «элчилик хизмати»га қаратилган. Уларда хорижий элчиларни кутиб олиш ва қабул қилиш маросимлари, дипломатик одоб, шунингдек элчиларни тайёрлаш, уларга қўйилган талаблар, элчининг шахси ва маҳорати каби масалалар бирламчи манбалар асосида очиб берилган.

Иккинчи гуруҳ илмий асарлари ва тадқиқотларида Ўзбекистон тарихининг янги ва энг янги даврида дипломатик институтларнинг ташкил этилиши, давлатлар ўртасида дипломатик муносабатларнинг шаклланиши, мамлакатимизнинг кўп ва икки томонлама ҳамкорлиги ҳамда ташқи сиёсати масалаларига кенг ўрин берилган<sup>18</sup>. Улар орасида Э. Нуриддинов,

<sup>17</sup>Ртвеладзе Э., Саидов А. Ўзбекистон ҳудудида энг қадимги даврда дипломатик муносабатларнинг ривожланиши. – Т., 2001; Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан: талқин ва таҳлил: Респ. илмий-амалий конф. мат-ри. – Т., 2016; Хидоятлов Г. А. Основы дипломатии. – Т., 2002; Ўзбек дипломатияси тарихидан / М. М. Хайруллаевнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2003.

<sup>18</sup>Пулатова С. А. Развитие международных культурных связей независимого Узбекистана и их значение как фактора укрепления его стабильности. Автореф. дис. ... канд.ист.наук. –Т., 1994; Холлиев А. Экономические, научно-технические и культурные связи независимого Узбекистана с Великобританией и США. Автореф. дис. ... канд.ист.наук. – Т., 1998; Рахимов М. Сотрудничество Республики Узбекистан со специализированными учреждениями ООН в 1991 – 1999 гг. (на примере ЮНЕСКО). Автореф. дис. ... канд.ист.наук.–Т., 2000; Бекмуратов Х. И. Ўзбекистоннинг Туркия билан иқтисодий ва маданий ҳамкорлиги (1991–2000 йиллар). Тарих фан. номз.... дис. автореф. –Т., 2001; Нуриддинов Э. Международное

М. Раҳимов, А. Қирғизбоев, Д. Раҳимбаева каби олимларнинг диссертациялари алоҳида ўрин тутди.

Иккинчи йўналишга сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик, психология каби фанлар доирасида дипломатия бўйича олиб борилаётган ҳамда амалиётчи мутахассислар томонидан дипломатиянинг турли йўналишларида амалга оширилаётган методологик, илмий-амалий, таҳлилий ишланмалар киритилган.

Хусусан, У. Хасанов, Г. Табак, Н. Ибрагимова, Н. Тўлаганова, С. Шарапова, К. Асирбабаева, Г. Мўминова, А. Шарапов, Д. Нишанов каби олимлар ёқлаган диссертацияларда мазкур муаммонинг айрим жиҳатлари сиёсатшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этилган<sup>19</sup>. Шунингдек, мустақиллик йилларида А. Касимов, И. Васькин, И. Умарахунов, Л. Саидова, Р. Алимов, Л. Абдуллаева, Ш. Арифханов, Б. Гиясов, И. Бобокулов, И. Мавланов, Х. Исламходжаев, М. Қирғизбоевнинг асарлари нашр этилди<sup>20</sup>.

---

сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. –Т., 2002; *Зиямов Н.* Роль Узбекистана в межгосударственном экономическом и культурном сотрудничестве стран Центральной Азии (1991–2001 гг.). Автореф. дис. ... канд.ист.наук. – Т., 2002; *Қирғизбоев А.* Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги. – Т., 2004; *Махкамova Д.* Узбекистан в системе международных культурных связей (особенности и закономерности исторического развития). Автореф. дис. ... канд.ист.наук. –Т., 2005; *Асадова Р.* Сотрудничество между Узбекистаном и Индией в области экономики и культуры: исторические основы и современное состояние (1991–2001). Автореф. дис. ... канд.ист.наук. –Т., 2007; *Раҳимбаева Д. В.* Ўзбекистонда дипломатия хизматининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи (1944-2001 йиллар. Ташқи ишлар вазирилик мисолида). Тарих фан. ном ... дис. – Т., 2007; *Матхолоқов Қ.* Ўзбекистон Республикаси ва Европанинг франкафон давлатлари ўртасида маданий алоқалар тарихи (Франция, Швейцария ва Бельгия мисолида (1991-2005)). Тарих фан. номз. ... дис. автореф. –Т., 2008; *Атаджанова С.* Научно-техническое и культурное сотрудничество Республики Узбекистан с Казахстаном и Кыргызстаном (1991–2001). Автореф. дис. ... канд.ист. наук. – Т., 2007; *Бабаҳажоева Д.* Основные тенденции и направления международного культурно-гуманитарного сотрудничества Республики Узбекистан. Автореф. дис. ... д-ра ист.наук.. –Т., 2011; *Таиматова К.* Экономическое и культурное сотрудничество Узбекистана и других государств Центральной Азии с Китайской Народной Республикой (1991–2011 гг.). Автореф. дис. ... канд.ист.наук.–Т., 2012; *Раҳимов М. А.* Сотрудничество Узбекистана с зарубежными странами и международными организациями в обеспечении стабильности и устойчивого развития в Центральной Азии (1991–2010 гг.). Автореф. дис. ... канд.ист.наук. – Т., 2012.

<sup>19</sup> *Хасанов У. А.* Национальные интересы Республики Узбекистан и проблемы безопасности в Центральноазиатском регионе. Автореф. дис. ... канд. полит.наук. – М., 2003; *Табак Г. А.* Роль культурных и исторических традиций во внешней политике Республики Узбекистан. Автореф. дис. ... канд. полит.наук. – Т., 2004.; *Ибрагимова Н. Ш.* Сравнительный анализ политических взаимоотношений Республики Узбекистан с Республикой Индия и Исламской Республикой Пакистан на современном этапе. Автореф. дис. ... канд. полит.наук.– Т., 2004; *Туляганова Н. У.* Афганский конфликт и его последствия в контексте становления новой системы безопасности в Центральной Азии. Автореф. дис. ... д-ра полит. наук. – Т., 2006; *Шарапова С. Ш.* Многосторонняя дипломатия Республики Узбекистан: участие в универсальных, региональных и субрегиональных организациях, межгосударственных объединениях. Автореф. дис. ... д-ра полит. наук. –Т., 2006; *Асирбабаева К. С.* Республика Узбекистан и Республика Корея: процессы модернизации и перспективы сотрудничества. Автореф. дис. ... канд.ист.наук.–Т., 2007; *Муминова Г.М.* Политико-правовой аспект сотрудничества Республики Узбекистан и Европейского Союза. Автореф. дис. ... канд. полит.наук. – Т., 2007; *Шарапов А. А.* Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатлари тизимида (ХХР, Япония, Жанубий Корея, Малайзия, мисолида). Автореф. дис. ... канд. полит.наук. – Т., 2008; *Нишанов Д.Б.* Внешняя политика Республики Узбекистан в 90-е годы XX века. Дис. ... канд.ист.наук. – М., 2008.

<sup>20</sup> *Касымов А. М., Васькин И.* Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. –Т., 1994; *Умарахунов И. М.* Республика Узбекистан и международное право. –Т., 1998; *Саидова Л.* Правовые основы дипломатической деятельности Республики Узбекистан. – Т., 2001; *Алимов Р.М.* Центральная Азия: общность интересов. –Т., 2005; *Абдуллаева Л. М.* Особенности дипломатического протокола и этикета: практика Республики Узбекистан: Учебное пособие. –Т., 2005; *Арифханов Ш. Р.* Центральная Азия: региональная интеграция и безопасность. –Т., 2007; *Гиясов Б. Т.* Международные отношения и дипломатия на современном этапе. –Т., 2009; *Бобокулов И. И.* Международно-правовые аспекты региональной

Уларда Ўзбекистон ташқи сиёсати ва дипломатиясининг ҳозирги халқаро муносабатлардаги ўрни ва аҳамияти, ривожланиш истиқболлари, жаҳон сиёсий тизими ва иқтисодий жараёнларига интеграцияси, ташқи сиёсат соҳасида жаҳон тажрибаси, давлатлараро муносабатлар каби масалалар юридик, политологик ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар нуқтаи назаридан ўрганилган.

Учинчи йўналишга Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг давлат раҳбари сифатида илгари сурган ҳамда концептуал аҳамиятга эга бўлган мамлакатимизнинг ташқи сиёсати ва дипломатик алоқаларига оид ғоялари, фикр ва қарашларини ўзида мужассамлаштирган асарлари киради<sup>21</sup>. Уларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташқи муносабатларнинг бош субъекти сифатидаги фаолияти акс этган бўлиб, у ўз ваколатлари доирасида миллий манфаатларни амалга оширишда вазиятни таҳлил қилиб, халқаро муносабатлар ва ташқи алоқалар соҳасида муҳим давлат қарорлари қабул қилинганлиги таъкидланган.

Диссертациянинг «**Миллий дипломатиянинг шаклланиш жараёнлари: омиллар ва муаммолар**» номли иккинчи боби ҳозирги мураккаб халқаро муносабатлар тизими шароитида Ўзбекистон дипломатиясининг шаклланиши, истиқлол йилларида дипломатиянинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилиши, мамлакатимиз дипломатиясини кадрлар билан таъминлаш жараёни ва унинг ўзига хос жиҳатларини ёритишга бағишланган.

Бобнинг «**Ўзбекистон дипломатиясининг омиллари: ташкилий-ҳуқуқий трендлар**» деб номланган биринчи параграфида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ташқи сиёсий фаолият концепцияси, «Халқаро шартномалар тўғрисида»ги<sup>22</sup>, «Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ҳамда чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги<sup>23</sup>, «Дипломатия ходимлари учун дипломатия даража ва мартабаларини белгилаш тўғрисида»ги<sup>24</sup> қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 28 августдаги қонуни<sup>25</sup> билан тасдиқланган Консуллик устави, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида Ташқи ишлар вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш масалалари тўғрисида»ги

---

безопасности: вопросы теории и практики. – Т., 2010; Мавланов И.Р. Экономическая дипломатия Индии в условиях трансформации мирового порядка. –Т., 2010; Исламходжаев Х.С. Государственное управление в сфере внешнеэкономических связей. Учебное пособие. – Т., 2012; Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик: Олий ўқув юртлари талабалари учун қўлланма. – Т., 2013; Фармонов Р. Жўраев Қ. Халқаро муносабатлар тарихи. – Т., ЖИДУ, 2014.

<sup>21</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т., 1996; Ўша муаллиф. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т., 1996; Ўша муаллиф. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т., 1996; Ўша муаллиф. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т., 1997; Ўша муаллиф. Хавфсизлик ва барқарор тараккиёт йўлида. Т. 6. – Т., 1998; Ўша муаллиф. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т., 2015; ва бошқ.

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1995. –№ 12. – 263-модда.

<sup>23</sup> Ўша жойда. – 1992. – № 9. – 349-модда.

<sup>24</sup> Ўша жойда. – 350-модда.

<sup>25</sup> Ўша жойда. – 1996. – 9-сон.

фармони (1994 йил 25 февраль), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги (1992 йил 25 май)<sup>26</sup> ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги<sup>27</sup> қарорлари, дипломатик хизматни тартибга солувчи бошқа муҳим расмий ҳужжатлар таҳлил қилинган.

Ташқи ишлар идоралари фаолиятининг ташкил қилиниши, ахборот-таҳлил таъминотининг тузилиши, дипломатик кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш борасидаги масалалар қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинади<sup>28</sup>. Дипломатиянинг ташкилий-ҳуқуқий базаси халқаро ҳуқуқ принциплари ва стандартларига, конституция ва қонунларга, қонуности ҳужжатларига асосланиши исботланди.

Ўзбекистон мустақилликнинг илк йиллариданоқ ўз миллий ҳуқуқий тизимини яратиш баробарида, халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлигини тан олиб, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида халқаро талабларга риоя этишга тайёрлигини амалда намоён қилганлиги, жумладан БМТ, МДХ, ЕХХТ каби қатор нуфузли халқаро ташкилотлар аъзоси бўлганлиги қайд этилди<sup>29</sup>.

Ушбу параграфда Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги жараёнларда фаол иштирок этгани таҳлил этилган ҳамда халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилгани таъкидланган. Тошкентда қисқа вақт мобайнида дунёнинг кўплаб, хусусан етакчи давлатлари билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатилгани, жумладан, 1990-йилларнинг ўрталарига келиб Ўзбекистонни 165 та давлат тан олгани, уларнинг 130 дан ортиғи билан дипломатик алоқалар ўрнатилгани, Тошкентда чет давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг 90 дан зиёд ваколатхонаси аккредитациядан ўтгани, мамлакатимиз 100 дан ортиқ халқаро ташкилотларга тўла ҳуқуқли аъзо бўлгани<sup>30</sup> буни тасдиқлайди.

Диссертацияда таъкидланганидек, Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принципларига асосланиб, ўзининг ташқи сиёсатида юзага келадиган зиддият ва низоларни фақат тинч йўл билан – музокаралар орқали ҳал қилиш йўлини танлади, бу эса миллий дипломатиямизнинг аҳамияти ва ролини оширди.

**«Миллий дипломатияни кадрлар билан таъминлаш муаммолари»** деб номланган иккинчи параграфда соҳани кадрлар билан таъминлаш жараёнлари ўрганилган, бу борадаги вазифалар кўриб чиқилган. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан кейин ноёб ихтисосликка эга мутахассисларга эҳтиёж яққол сезилиб қолганлиги, шу муносабат билан мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ халқ таълими тизими билан бир

<sup>26</sup> ЎзР МДА. Ф. М-37, 1-рўйхат, 6-иш. 9-10 варақлар.

<sup>27</sup> ЎзР МДА. Ф. М-37, 1-рўйхат, 6-иш. 10-11 варақлар.

<sup>28</sup> Турдыев С. Становление и современная система дипломатического законодательства Республики Узбекистан // Глобализационные процессы: тенденции, перспективы и проблемы. – Т., 2010. – С.208–210.

<sup>29</sup> Ташқи ишлар вазирлигининг жорий архиви (ГИВ ЖА). Ўзбекистон тарихи давлат музейининг «Мустақиллик даври: озод ва обод Ватан» бўлимига тақдим этилган материаллар. 2015 й.

<sup>30</sup> Ўша жойда.



қаторда олий таълим тизимини ҳам ислоҳ қилишга киришилганлиги таъкидланди. Шу пайтгача мавжуд бўлмаган муҳим ихтисосликлар бўйича махсус олий таълим муассасалари, жумладан, Қуролли Кучлар академияси, Ички ишлар вазирлиги академияси, Банк-молия академияси, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Шарқшунослик институти каби ўнлаб янги ўқув масканлари қаторида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини ташкил қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари эълон қилинди<sup>31</sup>.

Диссертацияда 1990-йилларда дипломатик кадрларга бўлган эҳтиёжнинг кескин тус олганлигини изоҳлаш учун бу соҳадаги совет даври амалиётига алоҳида тўхталиб ўтилган. Хусусан, Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги СССРнинг ташқи алоқалар соҳасида иттифоқчи республикаларга ваколатлар бериш тўғрисидаги 1944 йилдаги тегишли қонуни билан ташкил этилганига қарамай, уларга чекланган вазифалар берилгани, яъни у протокол хизмати вазифаларини бажаргани, дипломат кадрлар тайёрлаш масаласида бир ёқлама ёндашув шаклланигани аниқланди. Республика Ташқи ишлар вазирлигида ходимлар сони жуда секин кўпайган. Масалан, 1978 йил 1 январь ҳолатига кўра, ходимларнинг штат бирлиги 18 нафарни ташкил этган бўлса<sup>32</sup>, мустақиллик арафасига келиб уларнинг сони атиги 27 нафарга етган<sup>33</sup>.

Муаллиф томонидан дипломатик кадрларни тайёрлаш тизимидаги ислохотлар, яъни таълим мазмунининг тубдан янгиланиши, самарадорлигининг оширилиши, ўқитишнинг ноанъанавий усуллари жорий этиш борасида илғор тажрибалардан фойдаланилиши; таълимни назорат қилишнинг рейтинг усули, табақалаштирилган таълим тизими жорий этилиши, баҳс-мунозара ўтказиш орқали таълимни индивидуаллаштириш, ЖИДУ томонидан таълим соҳасида хорижий мамлакатлар билан кенг ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши таҳлил этилди.

Бу даврда Ўзбекистон ОЎЮ талабаларининг халқаро ҳамкорликда қатнашиши учун шароит яратиб келган республика «Умид» жамғармасининг фаолияти алоҳида аҳамият касб этди. Масалан, жамғарманинг 5,5 йиллик фаолияти давомида, яъни 1997 йилдан 2003 йилнинг февраль ойига қадар жами 828 нафар йигит ва қиз жаҳондаги етакчи давлатларнинг ОЎЮларида иқтисодиёт, бизнес ва менежмент, халқаро ҳуқуқ, компьютер ва ахборот технологиялари, коммуникация воситалари, қишлоқ хўжалиги, экология ва сувдан фойдаланиш, автомобилсозлик, журналистика, санъат йўналишлари бўйича таълим олишга юборилган<sup>34</sup>. Таъкидлаш жоизки, хориждаги нуфузли ОЎЮда ўқиган талабаларнинг салмоқли қисми, – 242 нафари (30 %) – ЖИДУ талабалари эди<sup>35</sup>.

<sup>31</sup> Тюриков В., Шагулямов Р. По пути независимости: Республика Узбекистан. Люди, события, даты. 1991-2000.– Т., 2000. – С. 173.

<sup>32</sup> ЎзРМДА. Ф. 2037, 7-рўйхат. 38-иш. 1-варак.

<sup>33</sup> Саидова Л. Правовые основы дипломатической деятельности Республики Узбекистан. – Т.: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2001. – С. 85.

<sup>34</sup> Нормуродова М. “Умид” – Ватан чироғи // Халқ сўзи. – 2003. – 15 фев.

<sup>35</sup> Ўша жойда.

Ўзбекистон университетлари орасида ЖИДУ халқаро ҳамкорлик соҳасида катта тажрибага эга нуфузли ОЎЮга айланди. Университет дунёнинг етакчи ўқув юртлари ва илмий марказлари ҳамда ЮНЕСКО, КОИКА, ПЕРРЦА, ДААД, КАФЕ, ТАСИС, АЙРЕКС, АКСЕЛС каби халқаро ташкилот ва фондлар билан ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар асосида талаба ва педагогларни ўқитиш ва тажриба алмашиш учун ҳамкорлик қилаётган хорижий ОЎЮларига юбориш, чет эл лойиҳалари ва грантларини амалга оширишда иштирок этди, тажриба алмашиш мақсадида чет эллик мутахассисларни қабул қилди.

Диссертациянинг **«Халқаро муносабатларнинг глобллашуви шароитида Ўзбекистон дипломатиясининг асосий векторлари»** деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон Республикаси глобал ва минтақавий дипломатиясининг асосий йўналишлари ўрганилган.

**«Ўзбекистон замонавий дипломатиясининг йўналиш ва вазифалари»** мавзуидаги биринчи параграфда ҳозирги глобал даражадаги мураккаб халқаро муносабатлар тизими шароитида Ўзбекистон дипломатиясининг фаолияти, хусусиятлари, иш йўналишлари ва вазифалари таҳлил этилган.

